

**Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича
“Тараққиёт” республика танловини ўтказишни ташкил этиш бўйича
РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ**

**Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича
“Тараққиёт” республика танловида иштирок этувчи
талабгорлар учун “Ақлий салоҳият (IQ-ТЕСТ)”
бўйича онлайн тест синови
ДАСТУРИ**

Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича “Тараққиёт” республика танловидида иштирок этувчи талабгорлар учун “Ақлий салоҳият (IQ-ТЕСТ)” бўйича онлайн тест синови дастури Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича “Тараққиёт” республика танловини ўтказишни ташкил этиш бўйича Республика комиссиясининг 2018 йил 24 августдаги 2-сон мажлиси баёни билан тасдиқланган.

Тузувчилар:

Б.Р.Қодиров – Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали “Психология” кафедраси профессори, психология фанлари доктори

6. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. // “Халқ сўзи”, 2017 йил, 8 декабрь.

7. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь // www.press-service.uz

8. Мирзиёев Ш.М. Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида ўтказилган халқаро конференциядаги нутқ. // 27.03.2018. Манба: www.uza.uz

9. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқ. // 11.06.2018. Манба: www.uza.uz

III. Ўқув адабиётлари

1. Тўраев Б. Логика бўйича масала ва машқлар. – Т.: Тафаккур, 2008. – 46 б.
2. Bahromov F., Burxonov S., Xudoyorov Q. Ming bir boshqotirma. – Т.: Sharq, 2016. – 224 б.
3. Perelman Y.I. Qiziqarli matematika. A.T. Xo'jaxonov tarjimasini. – Т.: Sharq, 2014. – 176 б.
4. Айзенк Г. Новые IQ тесты. Перевод К.Савельева. – М.: Эксмо, 2003. – 192 с.
5. Кулагин Б.В. Основы профессиональной психодиагностики. – Лен.:1984.
6. Лучшие психологические тесты для профотбора и профориентации/ Отв.ред.А.Ф.Кудряшов. – Петрозаводск, Изд-во «Петроком»,1992.
7. Graduate Management Admission Test (GMAT) // Bull. of Inform. and Registration Form. Princeton, 1993-1994.
8. Рогов Е.И. Настольная книга практического психолога. – М.: Владос, 1995.
9. Расулов А.И. Психодиагностика. – Т.: ЎЗМУ. 2010. 135 б.
10. Психодиагностика. Теория и практика. – М.: Прогресс. 1986
11. Психологические тесты для деловых людей. Приложение к журналу «Управление персоналом», М. 1996.

IV. Интернет сайтлари

1. <http://testoteka.narod.ru>.
2. <http://maintest.ru/tests>.
3. <http://onlinetestpad.com/ru>.
4. <https://4brain.ru/logika>.
5. <http://testoteka.narod.ru>.



I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги 5308 сонли Фармони. ҚҲММБ: 06/18/5308/0610-сон. 23.01.2018 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5139-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 32-сон, 795-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 5106-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – www.lex.uz.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 майдаги “Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3755-сонли Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.05.2018 й., 07/18/3755/1285-сон.

II. Раҳбарий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 104 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурагимиз. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 48 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 56 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 48 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. // “Халқ сўзи”, 2017 йил 20 сентябрь.

Мазкур синов дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони ҳамда 2018 йил 30 майдаги “Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3755-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Синов дастури “Тараққиёт” республика танловида истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш мақсадида талабгорларнинг “Ақлий салоҳият” бўйича имкониятларини баҳолаш учун мўлжалланган. Ушбу синов истиқболли бошқарув кадрларининг тизимли асосда танлаб олинишини таъминлаш, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари тизимида уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб боришга кўмаклашиш мақсадида ҳар 3 йилда бир марта ўтказилади.

Дастурнинг мақсади ва вазифалари

Ушбу синов дастурининг мақсади – Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича “Тараққиёт” республика танлови талабгорларининг интеллектуал салоҳиятини, маълумотларни тизимли таҳлил қила олишини, мантиқий фикрлаш қобилиятини, ақлий зукколиги ҳамда мавжуд ечимлар орасидан мақбул ечимларини аниқлай олиш қобилиятига кўра муносиб кадрларни танлаб олиш.

Дастурнинг асосий вазифалари:

Танлов талабгорларининг:

- тизимли фикрлаши;
- дунё миқёсида бўлаётган воқеаларни англай олиши;
- мантиқий фикрлаши;
- юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни мазмунан таҳлил қила олиш;
- дунёвий фикрлаши;
- географик билимлари;
- мавжуд жараёнларни таҳлил қилган ҳолда мақбул қарор қабул қила олиши;
- сўз бойлигига доир муносабатларни баҳолаш.

Ушбу масалаларни ўрганиш кишининг нафақат дунёқарашини кенгайтиради, балки интеллектуал коэффициентини ошириш йўлида кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилади.

Баҳолаш мезонлари

Мазкур синов тест воситасида амалга оширилади. Баҳолаш услублари талабгорнинг интеллектуал салоҳияти, таҳлилий ва танқидий фикрлаш қобилиятларини аниқлаш учун ишлаб чиқилган.

Тест синовлари жараёнида талабгор:

- ички ақлий салоҳиятини, яъни унинг табиий имкониятларини;
- мураккаб интеллектуал вазиятларда ўзини йўқотмаслигини;
- зукколик билан ақлий фаросатни ишлата олиш имкониятларини;
- тафаккур тарзи ва мукамаллигини;
- воқеликни таҳлил қила олишини;
- ўхшаш воқеликларнинг фарқини;
- турли воқеликларнинг ўхшаш жиҳатларини излаб топа олиши орқали тестдан юқори натижага эришиши мумкин.

Тест саволлари мазмуни

Тест топшириғи орқали уч турдаги ақлий заковат сифат хусусиятлари аниқланади:

сўз тафаккури (1) – оғзаки, ёзма ва имо-ишора орқали етказиладиган маъноларнинг мавжудлиги, мантиқан мукамаллиги, нозиклиги, дидлилиги каби хусусиятлар таъминланади;

мантиқий тафаккур (2) – ҳаётда, юриш-туриш, хатти-ҳаракатларда ақллилик, фаросатлилиқ ва зеҳнлилиқнинг борлигини намоён қилади. Шу билан бирга, умумлашган мантиқий тасавурлар ҳосил қилиши аниқланади;

майдон тафаккури (3) – тор ёки кенг тасавурли одамлар бор, катта ҳажмдаги воқеаларни қамраб ола оладиган ёки аксинча, таҳлилий тафаккури кучли, образларда тафаккур қиладиган ёки белгилар билан ифода этувчи одамлар бор.

Талабгорларнинг билим олиш имкониятига қўйиладиган талаблар

“Ақлий салоҳият” синовидан талабгор:

- берилган маълумотлар ва мантиқли шаклларни тўғри таҳлил қила олиши;
- мантиқий, дунёвий, образли, техник ва белгилар орқали тафаккур қила олиши;
- юртимизда амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва воқеа-ҳодисалар бўйича маълумотларни таҳлил қила олиши;
- интеллектуал, сўз орқали, кўргазмалар ифодалаш орқали, кўргазмалар ҳаракат орқали, назарий ва эмпирик, таҳлилий ва интуитив, конкрет ва мавҳум фикрлай олиши лозим.

Талабгорларнинг интеллектуал салоҳиятини баҳолаш

Талабгорнинг ақлий салоҳияти, мантиқий фикрлаши, қолаверса, интеллектуал салоҳияти мазкур синов дастуридан келиб чиқиб тузилган тест саволларига берилган жавоблар орқали аниқланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Интеллект тестлари қандай ечилади?

Талабгорларнинг интеллектуал салоҳиятини баҳолашда уч хил типдаги тест топшириқларидан фойдаланилади:

1. Вербал тестлар 40 та бўлиб, у талабгордан сўз тафаккурини талаб этадиган А серияли тест топшириқлари ҳисобланади.

2. Вербал тестлар ҳам 40 та бўлиб, у ҳам талабгордан сўз тафаккурини талаб этадиган мураккаб В серияли тест топшириқлари ҳисобланади.

3. Новербал тестлар.

А ва Б серия тест топшириқларининг ички тузилиши ҳар хил бўлса ҳам психологик жиҳатдан бир хил қобилият талаб этади. Талабгорга тест топшириқларини топширишдан олдин унинг қандай ечилиши ҳақида тушунтириш берилади.

Масалан, “Берилган сўзга маъно жиҳатдан мос келадиган сўзни, яъни синоним сўзни топинг.”

Аср –...

А.Тарих.

В. Юз йиллик.

С. Ҳодиса.

Д. Тараққиёт.

Демак, бу ерда тўғри жавоб “юз йиллик” бўлади. Шу тарих бошқа топшириқларга аниқ жавоблар белгиланиши керак.

Биринчи вербал тестнинг барча топшириқларини ечиш учун 12 минут вақт берилади, сўнг иккинчи тестга ўтилади.

Иккинчи тест учун 10 минут вақт ажратилади. Шу вақт оралиғида 40 та савол берилади.

Учинчи новербал тест учун вақт чегараланмаган. Новербал тестда 60 та тест берилган. Тестлар 5 табақага бўлинган ва ҳар бир талабгор тестларни еча бошлаганида табақалар учун вақт автоматик равишда талабгорнинг жавоб беришидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ўз имкониятларидан келиб чиқиб, ҳар табакани ечиб бўлганидан сўнг вақтни белгилашнинг маъноси шундаки, талабгорнинг тафаккур савиясини эмас, балки тафаккур тарзини ўрганишдир. Бунда талабгорнинг ўзига хос феъли ёки тафаккур тарзи аниқлаштирилади.

Одамлар орасида секин ўйлайдиган, шунингдек, ҳозиржавоблар ҳам бор. Бу орқали одамларнинг фикрлаш хусусиятларини билиш мумкин.

Бу вербал ва новербал тестларнинг барчасига тахминан бир, бир ярим соат атрофида вақт кетади.